Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 29 АВГУСТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 176 – 177 (13.239–13.240)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАМ ОЛИШ КУНИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма беш йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2016 йил 4 сентябрь якшанба дам олиш куни 2016 йил 2 сентябрь жума кунига кўчирилсин;

2016 йил 4 сентябрь якшанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 26 август

Яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз айёмимиз – Мустақиллик байрами арафасида "Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма беш йиллиги" номли янги китоб-альбом нашрдан чиқди.



"ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ" КИТОБ-АЛЬБОМИ НАШРДАН ЧИҚДИ

Маълумки, мустақил, озод, тинч ва фаровон яшаш дунёдаги барча халқлар учун энг муқаддас, энг буюк ва қадрли неъмат, ўз мамлакати, ўз тақдирига эга бўлиш ҳуқуқи энг олий саодатдир.

Чорак аср муқаддам ўзбек халқи асрлар давомида интилиб келган ана шундай эзгу ва юксак орзусига эришди. 1991 йил 31 август куни Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари сессиясида Президент Ислом Каримов мамлакатимиз мустақиллигини эълон қилди. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Дунё харитасида янги мустақил, суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ватанимиз йигирма беш йиллик мустақил тараққиёт йўли давомида – тарихан қисқа муддатда асрларга тенг масофани босиб ўтди. Истиқлол йилларида мамлакатимиз, шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Бугунги Ўзбекистон – бу жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган, жадал ривожланаётган ҳуқуқий демократик давлат, халқаро майдондаги нуфузи ва ўрни йил сайин мустаҳкамланиб, интеллектуал ва иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётган замонавий мамлакатдир.

Юртимизнинг мустақиллик даврида босиб ўтган мураккаб ва айни вақтда шарафли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу альбомдан ўрин олган таҳлилий мақола ва фотосуратлар мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган, кўлами ва миқёсига кўра бениҳоя улкан ишлар, халқимизнинг оғир синов ва қийинчиликларни мардона енгиб, янги ҳаёт, янги жамият бунёд этишда қўлга киритаётган юксак ютуқ ва марраларини ёркин ифода этиши билан айниқса эътиборлидир.

Альбом Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мухтасар сўзбошиси билан очилади. Мазкур сўзбошида, жумладан, шундай фикрлар таъкидланади:

"Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.

Айнан мустақиллик топталган қадриятларимизни, дину диёнатимизни, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажагимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақланиб қолажак".

Китоб-альбом "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!", "Келажакка интилган мамлакат", "Даврни белгилаб берган инсон", "Суратларда акс этган юрт ҳаёти" сингари бўлимлардан иборат. Матнлар ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилган.

Ўйлаймизки, юртимизнинг етакчи ижодий кучлари иштирокида тайёрланган, юксак полиграфик сифат ва кўркам дизайн асосида нашр этилган мазкур китоб-альбом мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик шонли санасига муносиб совға бўлади.

(ЎзА)



Хабар қилинганидек, мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида қурилиши якунланган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли орқали 27 август куни йўловчи поезди Тошкентдан Андижонга йўл олди.

Ҳамманинг юзида хурсандчилик. Поездга чиқаётган отахону онахонлар тилидан шукроналик тушмайди: шу кунларга етказганига шукр! Мамлакатимиз гуллаб-яшнайверсин. Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин.

ТОШКЕНТ – АНДИЖОН ПОЕЗДИ ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Йўловчилар мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, хусусан, транспорт тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашиб кетди.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини яхлит транспорт-коммуникация тизимига боғлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда минглаб километр янги темир йўллар қурилди, замонавий йўл инфратузилмаси яратилди.

Президентимиз Ислом Каримов 2013 йил 26 апрель куни халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ангрен – Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўл қурилиши режалаштирилгани, 2016 йилда бу темир йўл қуриб битказилиши ва поезд қатнови йўлга қўйилишини таъкидлади.

Ана шу сўзларнинг исботи сифатида қисқа вақтда 123,1 километрлик Ангрен – Поп темир йўли ва унинг таркибида 19,2 километрлик Қамчиқ туннели қуриб битказилди.

2016 йил 22 июнь куни Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик лойиҳаси ижроси бўлган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этди.

Бу билан мамлакатимизда яхлит, мустақил ва замонавий темир йўл тизими яратилди. Улкан стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган мазкур лойиҳа мамлакатимизнинг коммуникация ва транспорт соҳасида эришган тараққиёти даражасини намоён этди.

– 2013 йилнинг апрель ойида Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлади. Сессияда мен ҳам қатнашганман, – дейди "Нуроний" жамғармасининг Андижон вилояти бўлими кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Таваккал Топволдиев. – Давлатимиз раҳбарининг Тошкент – Андижон поезд йўли қурилиши ҳақидаги сўзлари наинки Фарғона водийси, балки бутун мамлакатимиз аҳолининг кўнглини кўтарди. Бугун ана шу гапларнинг ижобати, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлганимиздан беҳад бахтиёрмиз.

Мазкур йўл Фарғона водийси вилоятларига поездда юк ва йўловчи ташиш имконини беради. Шу билан бирга, Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, юртимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади.

(Давоми 2-бетда)

КРИСТОФЕР АЛЛАН: "ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАР ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРМОҚДА"

Буюк Британия Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган қатор ҳужжатлар, жумладан, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш, иқтисодиёт, таълим, илм-фан ва маданият, ҳаво транспорти, сайёҳлик соҳаларига оид битимлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги мулоқот ўзаро англашув ва манфаатдорликка асосланган бўлиб, бу турли соҳалардаги муносабатларни изчил ривожлантириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ЎзА мухбири **Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кристофер АЛЛАН** билан суҳбатлашди.

– Суҳбатимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтмоқда. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида турли соҳалар, хусусан, иқтисодиётда амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари ҳақидаги фикрларингизни билдирсангиз.

– Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлиб, инвестициявий лойиҳаларни самарали амалга оширмоқда. Автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, биотехнология ва фармацевтика саноати ва бошқа соҳалар истиқлол йилларида жадал ривожланди. Жаҳон банкининг бизнес юритиш учун қулай шароитлар яратиш рейтингида Ўзбекистон 2005 йилдаги 105-ўриндан 2016 йилда 87-ўринга кўтарилди. Бунга янги бизнес очиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредит олиш ва бошқа жараёнлар йўлидаги тўсиқлар бартараф этилгани самарасида эришилди. Муҳими, мамлакатингизда бизнес муҳитини яхшилаш борасидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Мустақиллик йилларида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, Ангрен ва Жиззах махсус индустриал зоналари ташкил этилгани, шунингдек, ишлаб чиқаришни диверсификация ва модернизация қилишга эътибор қаратилаётгани Ўзбекистон иқтисодиётини янада барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Корпоратив бошқарувнинг такомиллашиб бораётгани, тадбиркорлар учун онлайн режимида "Бир дарча" тизимининг жорий этилгани ҳамда хусусийлаштириш дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳам бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

– Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан Буюк Британия билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Сизнинг фикрингизча, ўзаро муносабатларнинг қайси йўналишлари устувор ҳисобланади?

– Буюк Британия Ўзбекистон билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдор. Бугун муносабатларимиз кўплаб соҳалар, жумладан, сиёсат, тадбиркорлик, хавфсизлик, таълим, маданият соҳаларини қамраб олган. Биз хавфсизлик, хусусан, Афғонистон масаласи, бошқа қатор умумминтақавий муаммолар бўйича ҳамкорликни кучайтирмоқдамиз. Уюшган жиноятчилик, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва одам савдосига қарши курашишда биргаликда иш олиб бормоқдамиз. Ўзбекистон парламенти, Марказий сайлов комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан мунтазам ахборот алмашинмоқда, бошқарув тизими ва универсал қадриятлар борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар қўллаб-қувватланмоқда. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Буюк Британия кенгаши орқали мамлакатингиз билан савдо-иқтисодий ва инвестиция муносабатлари соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг 100 ўринли ётоқхонаси фойдаланишга топширилди.

● Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими ва давлат нотариал идорасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида Ангрен иссиқлик электр станциясида мамлакатимиз энергетика тизимига қўшимча 130-150 мегаватт/соат электр энергияси етказиб берадиган энергоблок ишга туширилди.

● Термизда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган "Истиқлол фарзандлари" ёшлар фестивалида фан олимпиадалари, турли танлов ва спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган истеъдодли ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Донецк областидаги шахталардан бирида рўй берган портлаш натижасида 6 нафар кончи турли даражадаги тан жароҳатлари олди.

● Австрияда 272 килограмм вазнли аёл 18 килограммли чақалоқни дунёга келтирди. Аёлнинг саломатлигини сақлаб қолиш учун шифокорлар болани жарроҳлик йўли билан дунёга келтиришди. Ҳозирда она ва боланинг аҳволи қониқарли.

● АҚШнинг "Moon Express" хусусий фазовий компанияси Ойга парвозларни сердаромад бизнесга айлантиришни режалаштирмоқда. Мазкур компания директорлар кенгаши раҳбарининг сўзларига кўра, Ойга учиш осон бўлгани учун эмас, балки бу яхши даромад келтириш учун парвоз уюштирмоқда. Авваллари бунинг учун миллиардлаб доллар сарфланган бўлса, эндиликда бир сафар харажати 10 миллион доллар атрофида бўлиши мумкин.

КРИСТОФЕР АЛЛАН: “ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАР ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРМОҚДА”

(Давоми. Боши 1-бетда)

– 2016 йил Ўзбекистонда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган. Президентимизнинг ушбу ташаббуси ва бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам фикрингизни билдирсангиз.

– Мустақиллик йилларида Ўзбекистон болалар ўлимини камайтириш ва оналар саломатлигини яхшилаш бўйича БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришди ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришни давом эттирмоқда. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида оналик ва болаликни нафақат тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда муҳофаза қилишни кучайтириш, балки ёш аёллар ва қизлар ўртасида оммавий спорт тадбирларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилаётгани эътиборга молик. Шу билан бирга, дастурда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини фаоллаштириш, уларнинг касб малакасини ошириш учун имкониятларни кенгайтириш чора-тадбирлари ҳам кўзда тутилган. Хотин-қизларга қаратилаётган бундай эътибор иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантиришга кўмаклашади. Ўзбекистон бу борада тўғри йўл танлагани ва истиқболини аниқ белгилаб олганига ишончимиз комил.

– Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти, турли соҳаларда эришаётган ютуқлари ҳақида нима дея оласиз?

– Ўзбекистондаги фаолиятим давомида мамлакатингиз ёшлари катта салоҳиятга эга эканига ишонч ҳосил қилдим. Ўзбекистон йигит-қизлари билимдон, ташаббускор, дунёда рўй бераётган воқеалардан хабардор. Уларга ўзи қизиқкан иш, жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Мамлакатингиз аҳолисининг қарийб 70 фоизини ёши 30 гача бўлган йигит-қизлар ташкил қилади ва бу катта салоҳият демакдир. Масалан, жорий йилда Ўзбекистон олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун ҳар қачонгидан кўп ҳужжат топширилди. Бу ҳам ўзбекистонлик ёшлар чуқур билим олишга чанқоқлигидан далолат беради. Чет тилларни ўрганишга катта эътибор берилаётгани самарасида инглиз тилини яхши биладиган талабалар йил сайин кўпайиб бормоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ёшларининг билим даражаси ва салоҳияти юқорилигини кўрсатмоқда.

– Ўзбекистон халқига байрам тилакларингиз...

– Ўзбекистон халқини мустақилликнинг 25 йиллиги ва шу йиллар давомида эришилган муваффақиятлар билан қутлайман. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг изчил суръати билан фахрлансак арзийди. Бу муносабатлар янада ривожланишига ишонаман.

Нодира МАНЗУРОВА суҳбатлашди





ЎзА олган суратлар

ТОШКЕНТ – АНДИЖОН ПОЕЗДИ ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ўн миллиондан зиёд аҳоли яшаётган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан транспорт коммуникациялари анча чегараланган эди, – дейди “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш дирекцияси бошлиғининг ўринбосари – Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Умматов. – Собиқ тузум даврида барча коммуникация тармоқлари, аввалambор, транспорт-логистика алоқаси қўшни республика ҳудуди орқали ўтар эди. Бу ҳолат аввало аҳоли, қолаверса, иқтисодиёт учун кўплаб ноқулайликлар туғдирарди. Одамларимиз Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл воситасида тўғридан-тўғри боғлайдиган кунлар тезроқ келишини орзу қиларди. Президентимиз мустақилликнинг илк йилларидан бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Дастлаб Қамчиқ довони орқали янги автомобиль йўли қурилди. Бу йил халқимизнинг яна бир орзуси ушалди – темир йўл ҳам фойдаланишга топширилди.

– Бугун халқимиз, айниқса, Фарғона водийси аҳли учун катта байрам, унутилмас тарихий кун, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Эҳахон Сиддиқова. – Мен ҳам ушбу байрамда иштирок этиб, улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, кўзларимга қувонч ёшлари келди. Мустақиллик шарофати, давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати туфайли шундай улкан ютуқларга эришаяпмиз.

...Поезд Ангрен, Поп, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан ўтиб, Андижон шаҳрига етиб келди. Бу ерда ҳозир бўлганлар меҳмонларни карнай-сурнай ва гуллар билан кутиб олди.

– Тошкентдан Андижонга замонавий поездда қулай шароитда қандай келганимизни ҳам сезмай қолдик, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов. – Собиқ тузум даврида алмисоқдан қолган поездларда қўшни республика орқали минг азоб билан йўл босганимиз ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Бугунги хурсандчилик мустақиллигимиз, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар мевасидир! Бу том маънода тарихий воқеадир.

Андижон темир йўл вокзалида ушбу воқеа муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ф.Дадахўжаев, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Раматов, Наманган давлат университети профессори Т.Файзуллаев, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори С.Фозилжонова ва бошқалар Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти янада тараққий этишига, халқимиз турмуш фаровонлиги бундан-да юксалиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ортишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров сўзга чиқди.

Шу куни поезд Андижондан пойтахтимизга қайтиб келди.

Анвар САМАДОВ, ЎзА махсус мухбири



ТАНЛОВНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотларнинг таклифига биноан, савдо соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларни янада ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш мақсадида икки босқичли “Савдо ва хавфсизлик” кўрик-танловининг Яшнобод туман босқичи бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, пойтахтимизда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси йилдан-йилга ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Бир-биридан чиройли супермаркетлар, ресторанлар, чойхоналар, умумий овқатланиш шохобчалари аҳоли хизматида.

Яшнобод туманида ҳам ушбу кўрик-танловнинг туман босқичига ўзига хос тайёргарлик кўрилди. Тадбирга туманда фаолият юритувчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналари вакиллари, тегишли ташкилот масъуллари таклиф этилди.

– Кўрик-танловни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ҳамда жамоат хавфсизлигини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш, соҳада аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган замонавий технологияларни татбиқ этишни рағбатлантириш, давлат стандартлари, гигиена, санитария, ёнғин хавфсизлигига оид норматив ҳужжатлар, қоида ва талаблар, шохобчаларга ёндош ҳудудларнинг ободонлаштирилиши каби талабларнинг бажарилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган, – дейди Яшнобод тумани ҳокимлиги ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи Учқун Каримов. – Туман ҳокимлиги томонидан тузилган нуфузли комиссия туманимиздаги савдо ва умумий овқатланиш субъектларининг иш фаолиятини ўрганиб, баҳоладилар. Ушбу танловга юзга яқин савдо ва умумий овқатланиш субъектлари иштирок этди. Нуфузли комиссия 6 та асосий номинация бўйича 1-3-ўрин ғолибларини аниқлади.

Яшнобод тумани бўйича “Энг яхши йирик савдо объекти” номинациясида биринчи ўринни “Anglesey Food” шўъба корхонаси қўлга киритди.

– Иш фаолиятимизни Яшнобод тумани Элбек кўчасида шу йили июль ойидан бошлаганмиз, - дейди тадбиркорлик субъекти раҳбари Фарҳод Намозов. – 3 минг квадрат метр жойни эгаллаган савдо мажмуасида қисқа муддатда яхши натижаларга эришдик. 116 кишини иш билан таъминладик. Хизматимиздан аҳоли хурсанд.

Тадбирда “Энг яхши ресторан”, “Энг яхши чойхона”, “Энг яхши қаҳвахона”, “Энг яхши савдо объекти”, “Энг яхши ўрта савдо объекти” номинациялари бўйича ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

“Савдо ва хавфсизлик” кўрик-танлови Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида ҳам юқори савияда ташкил этилди. Унда асосий 6 та номинация ғолиблари аниқланди. “Энг яхши йирик савдо объекти” номинацияси ғолиби сифатида “Китоб олами” маънавий-маърифий савдо мажмуаси эътироф этилди. Унинг раҳбари Шуҳрат Охунжоновга диплом ва эсдалик совғалари топширилди ва бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ушбу танлов мазкур йили илк бор ўтказилаётган бўлиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилди. 1 – 15 август кунлари танловда иштирок этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари фаолияти нуфузли комиссия томонидан балл тизими асосида ўрганиб чиқилди.

Учтепа туманида бўлиб ўтган танловда “Энг яхши йирик савдо объекти” бўйича биринчи ўринни “Premium start group” МЧЖ жамоаси эгаллади. “Энг яхши ресторан” номинацияси бўйича 1 ўрин “VESUVIO” МЧЖга насиб этди. “Энг яхши чойхона” номинациясида 1 ўринни “Uchtepa saroy” МЧЖ жамоаси қўлга киритди.

Хулоса сифатида айтиш ўринлики, бу танлов пойтахтимизнинг бошқа туманларида ҳам кўтаринки, ўзига хос тарзда ўтказилди. Туман босқичида ғолиб бўлганлар танловнинг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этадилар.

З. ШАРИФЖОНОВ

АХБОРОТ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда “Ахборот соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Соҳа мутахассислари ва экспертлар ахборот соҳасини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг ривожланиш ҳолати, истиқболлари, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, мамлакатда инновацион бизнес муҳитини яхшилаш масалаларини муҳокама қилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида илғор демократик ва технологик стандартларга жавоб берадиган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари секторининг фаол ўсиши ҳамда давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларига замонавий ахборот технологиялари жорий қилинишига шароит яратувчи ахборот соҳаси қонунчилиги шакллантирилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ахборот соҳаси қонунчилигининг асосини Конституциямиз, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунлар ташкил этади. Мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Корхоналар, хўжалик бирлашмалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ахборот-компьютер технологиялари кенг жорий қилинмоқда. Яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ишлаб чиқариш таннархини ва харажатларини пасайтириш, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда янги бозорларни очиш учун хизмат қилмоқда.

Ахборот соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий базасини мунтазам ислоҳ қилиш туфайли миллий ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаси барқарор юксалиб бормоқда. Соҳа корхоналари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми охирги йилда 11 фоиз, жумладан, аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 12 фоизга ўсди. Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлиги йил бошига нисбатан 32 фоизга ошди.

Давра суҳбатида ишбилармонлик муҳитини яхшилашга кўмаклашувчи ахборот соҳаси қонунчилигини янада такомиллаштириш, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида янги юқори технологияларга асосланган ишчи ўринларини яратишга доир ва бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(ЎзА)

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДАГИ ХАРИДОРЛАРГА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” 2003 й., 3-сон, 27-модда) 75-сонли, 2012 йил 28 августдаги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сонли (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 35-сон, 403-модда) қарорларига мувофиқ, аҳолига кўрсатилаётган савдо маданиятини ошириш, бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида хавфсизликни таъминлаш, шунингдек Тошкент шаҳар ҳокимлигининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича мажмуаси, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ва “Тошбозорсавдо” уюшмасининг 2016 йил 15 июлдаги 04-214-сонли қўшма мурожаатларини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича мажмуаси, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ва “Тошбозорсавдо” уюшмасининг Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида фаолият юритувчи тадбиркорлар ҳамда хизмат кўрсатувчи ишчи, ходимларни бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан тақдим этиладиган фарқлаш белгиси (бейжик) билан таъминлаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида фаолият юритувчи тадбиркорлар ҳамда хизмат кўрсатувчи ишчи, ходимларни бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан тақдим этиладиган фарқлаш белгисидан (бейжик) фойдаланиш тўғрисидаги Йўриқнома (кейинги ўринларда – “Йўриқнома” деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти (Р.Абдумажитов), “Тошбозорсавдо” уюшмаси (С.Нематуллаев), бозорлар ва савдо комплекслари раҳбарлари:

Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида фаолият юритувчи тадбиркорлар ҳамда хизмат кўрсатувчи ишчи, ходимлар фарқлаш белгисини (бейжик) расмийлаштириш учун улар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг қабул қилиб олиш, ҳужжатларни Йўриқномада белгиланган муддат ичида кўриб чиқиш ва мурожаат этувчига фарқлаш белгисини (бейжик) берилишини назорат қилиш;

Тошкент шаҳридаги бозор ва савдо комплекслари штат жадвалини қайта кўриб чиқиш асосида ҳар бир жамиятда фарқлаш белгисини (бейжик)ларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва назоратини олиб бориш билан шуғулланадиган алоҳида бўлим ташкил этиш ёки мутахассис лавозимини киритиш масаласини кўриб чиқиш;

ҳар бир бозорлар ва савдо комплексларда фарқлаш белгиси (бейжик) билан тўлиқ қамраб олинганлиги ҳақида ҳар чорак якуни бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрланиб, Тошкент шаҳар ҳокимлигига киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан уч ой муддат ўтганидан кейин қонуний кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари М.Обидов ва Н.Хусанов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р. Усманов

2016 йил
22 август

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ҚЎШИҚЛАРДА МУҚАДДАС ВАТАН МАДҲИ

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови жонажон Ўзбекистонимизни мадҳ этиш, истиқлол, мустақиллик инъом этган азиз неъматлар, тинчлик ва осойишталигимизни улуғлашда, қадрига етишга ундашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари томонидан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган ушбу танлов мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда, байрамона кайфиятда ўтказилди.

Бу йилги кўрик-танлов ҳам халқимизга табаррук диёримизни, бахтиёр ҳаётимизни, мусаффо осмонимиз, тинчлик ва ҳамжиҳатлик йўлидаги эзгу интилишларни мадҳ этувчи янги-янги қўшиқларни тақдим этди.

Танловда асарларнинг бадиий матни, мусиқасининг ўзига хослиги, қўшиқнинг мукаммаллиги, хонандаларнинг ижро маҳоратига алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчи ўрин Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязовга "Қардошим" қўшиғи учун (И.Мирзаалиев шеъри, Н.Муҳаммединов мусиқаси) берилди. Иккинчи ўринга хонанда Машҳурбек Раймжонов "Унутма" қўшиғи учун (И.Мирзаалиев шеъри, Б.Лутфуллаев мусиқаси) ҳамда Самарқанд давлат университетининг "Гулдаста" хор жамоаси "Ватан зикри" қўшиғи учун (Ж.Сирожиддин шеъри, Ж.Козимов мусиқаси) сазовор бўлди. Хонанда Дилсўзхон Зоҳидова ижросидаги "Шукрона" қўшиғи (Ф.Худойқулова шеъри, Х.Ҳасанова мусиқаси) ҳамда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси Ботир Ҳожиев ижросидаги "Юрт посбонлари" қўшиғи (М.Усмонова шеъри, А.Маллабоев мусиқаси) учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

(ЎзА)





Ислом Исмоилов олган суратлар

Мустақиллик ва унинг қадр-қиммати ҳақида гап кетганда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" номли асарининг бош ғояси сифатида қўнғироқ мисол янграб турган "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган фикрлари онгу шууримда чарх ура бошлайди.

Мустақиллик тенгдошлари

ИСТИҚЛОЛНИНГ БАХТИЁР ҚИЗИМАН

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, мен ҳам она диёримизнинг минг-минглаб бахтли фарзандлари сингари мустақиллик нафасидан баҳра олиб улғайдим, камол топдим. Мустақиллик тенгдоши эканимдан, шу ёшда Истиқлол берган неъмат туфайли ютуқларга эришаётганимдан жуда бахтиёрман.

Биламан, ота-боболаримиз бу бахтни узоқ, жуда узоқ кутдилар. Истиқлолга эришиш учун кўп курашдилар. Неча бор уни қўлга киритишга муваффақ ҳам бўлганлар. Аммо, бу йўлда жуда кўп азоб-уқубатлар-у, жабру жафолар ҳам чекканлар. Бу тарих ҳақиқати. Тарих ҳақиқати эса бизнинг ҳар биримиз учун сабоқ. Бу сабоқни чуқур ўрганишимиз, хулоса чиқариб олишимиз, эртанги кунимиз ва келажагимиз учун бениҳоя зарур. Чунки, биз озодлигу ободликка юз тутган янги жамият, янги давлатда яшаяпмиз. Келажаги буюк бўлган бундай гўзал, мустақил мамлакатни энди ҳеч қачон бировга бериб қўймаймиз. Энди ҳеч қачон ота-боболаримизнинг, она ва момоларимизнинг кўзларида қарамлик ҳасратлари кўринмайди. Бунга биз сира-сира йўл қўймаймиз. Мустақиллигимизнинг абадийлиги учун бир тану бир жон бўлиб, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашамиз.

Биламан, метин иродали бунёдкор халқимиз кўплаб мамлакатлар асрлар давомида босиб ўтган йўлни ғоят қисқа вақт ичида босиб ўтди. Бу даврда биз ўзимиз, ўзлигимизни англадик. Ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўлидан оғишмай фақат олдинга интилдик. Интилганга толе ёр деганларидек, оламшумул ютуқларни қўлга киритдик, шаҳар ва қишлоқларимиз ҳайратли даражада ўзгарди. Биз нималарга қодирлигимизни бутун дунёга намоён этдик. Дунё бизга тан берди. Бошқача айтганда, шўролар даврида ҳеч ким билмаган Ўзбекистон дунёга чиқди. Жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу билан ҳар биримиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Мустақиллик менинг ҳаётимда ҳам беқиёс аҳамият касб этди. Унинг шарофати билан мен ўз орзу ниятларимга эришдим. Мактаб ва лицейни имтиёзли битириб, Тошкент молия институтининг "Ҳисоб ва аудит" факультетига ўқишга қабул қилиндим. Талаба бўлишим арафасида "Нурли тонг" номли илк шеърлар китобчам нашр этилди. Институтда аъло баҳоларга ўқиш билан бир қаторда кўплаб республика ва халқаро танловларда қатнашиб, фахрли ўринларга муносиб топилдим. Инглиз тилини пухта ўрганиш баробарида ўз соҳам бўйича бир қатор нуфузли ўқув марказларида таҳсил олиб, уларнинг диплом ва сертификатларини олишга муваффақ бўлдим. Айни пайтда республика газета ва журналларида олтмишга яқин илмий ҳамда маънавий-маърифий мавзудаги мақолаларим эълон қилинди. Ўттиздан ортиқ республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этдим.

Мамлакатимизнинг янада юксалишига муносиб ҳисса қўшиш йўлидаги саъй-ҳаракатларим зое кетмади. Аввал, институтимизнинг С.Қодирхонов, сўнг эса Алишер Навоий номидаги Давлат стипендианти бўлишга эришдим. Мақсадим "Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бошқарув ҳисобини татбиқ этиш ҳамда такомиллаштириш масалалари" мавзусидаги илмий ишимни изчил давом эттириб, давлатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш. Бу эса тинимсиз ўқиш ва ўрганишни, изланишни, янгиликка интилишни талаб этади. Мен бунга тайёрман. Шу боис институтни имтиёзли битириб, магистратурада таҳсил оляпман.

Дилафрўз ЮЛДАШЕВА,
Тошкент молия институти магистранти

Таълим

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Умумтаълим мактабларида педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашда инновацион ёндашувлардан тўғри ва кенг фойдаланиш бугуннинг асосий талабларидан биридир. Бу эса ўқитувчилар зиммасига фан-техника соҳасидаги ютуқлар, янгиликларни татбиқ этган ҳолда дарсни илмий асосда ташкил қилиш вазифасини юклайди. Бу борада анъанавий август кенгашларининг ўрни алоҳидадир.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган 9-сонли умумтаълим мактабида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан она-тили ва адабиёт ҳамда ўзбек тили фани ўқитувчиларининг анъанавий Август кенгаши ва шўъба йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлари, методистлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича шўъба раҳбарлари, Давлат таълим стандарти мониторинг бўлими раҳбарлари, энг фаол мактаб директорлари ва ўқитувчилар иштирок этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар, таълим тизимини модернизация қилиниши, мультимедия воситалари билан таъминланиши сифатли таълим бериш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Мазкур тадбирда, "Сифатли таълим-тарбия бош вазифамиз" шиори остида таълим муассасалари раҳбарларининг масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш, август кенгашларида 2015/2016 ўқув йилининг якунлари бўйича ўтказилган таълим сифати мониторинги, фан олимпиадалари, "Билимлар беллашуви"да ўқувчиларнинг билимларида аниқланган бўшлиқлар ва уларни тўлдириш юзасидан турли тавсиялар берилди.

– Республика халқ таълими тизимида янги 2016/2017 ўқув йилига тайёргарлик қизғин бормоқда. Бу борада ўқув-тарбия жараёнини янада жадаллаштириш, мазмун ва моҳият жиҳатдан такомиллаштириш муҳим ўрин тутади, – дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси она тили ва адабиёт фани методисти Гулчеҳра Маманбаева. – Шу боис, таълим тизими мутасаддилари ва кўп сонли педагогик жамоалар ўқув йилида ўз олдига қўйётган мақсад ва вазифаларни қандай амалга ошириш, ўтган йилги ютуқ ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, келгусидаги вазифалар борасида фикр алмашдилар.

Август кенгашлари педагогларни ўз фаолиятига чуқур назар солишга ундайдиган, янги марралар сари етаклайдиган кенг кўламли тадбир бўлгани боис, педагогларнинг билим саловҳиятини, малакасини ва таълим самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Тадбирда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини юксалтириш масалалари хусусида мулоҳазали, мушоҳадали фикрлар билдирилди.

Зафар НАЗАРОВ

Пойтахтимизда "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан жорий йил биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ташкил этилди.

АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР

Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар ва унинг маҳаллий Кенгашлари томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш, иқтидорли ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, спортни ривожлантириш ва ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний камол топтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳаларида 9 982 та лойиҳа ва тадбирлар ташкил этилган.

— Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, мустақиллигимиз ва тинчлигимизга раҳна солувчи ҳаракатларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишда ҳамда миллий қадрият ва урф-одатларни улар онгига сингдириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратиш, қизиқишлари бўйича тўғри йўналтириш, спортга жалб қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда, — дейди "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Акмал Жумабоев. — Пойтахтимиз ёшларини эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни демократик тамойиллар, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида, маънан соғлом ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида "Сиз қонунни биласизми?", "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловлари, "Ёшлар тинчлик истайди", "Одам савдоси – давр муаммоси", "Хорижда ишлашнинг қонуний асослари", "Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш" мавзуларида тарғибот тадбирлари ўтказилди, ёшларни давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан яқиндан таништириш ва туркум учрашувлар ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик судларига ташрифлари уюштирилди.

Маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган ишлар орасида "Ватан ҳимояси муқаддас бурч", "Юртимни обод этаман", "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар", "Биз буюк юрт фарзандларимиз" шиори остидаги ёшлар фестивallари, "Фарзандлик бурчим" лойиҳалари алоҳида ўрин тутди. "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор – юртга мададкор", "Бизнес автобус", "Бизнес экскурсия" лойиҳалари, "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" кўргазмалари уларнинг тадбиркорлик борасидаги қизиқишларини шакллантиришда мадад бўлди. Иқтидорли ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар кўрик-танлови, "Мунозара" тўгараклари жамоалари ўртасидаги мусобақалар, "Камолот" стипендияси саралаш босқичлари каби тадбирлар орқали кўплаб ёшларимизнинг иқтидор ва малакалари намоён бўлди. "Камолот шахмат тахтаси", "Камолот кубоги", "Камолот ғунчалари", "Камолот-Тур" мусобақалари, "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" акциялари эса ўз ўрнида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда қўл келди.

"Камалак" болалар ташкилотининг "Онамга совға" расмлар танлови, "Камалак билимдони" кўрик-танлови, Тошкент шаҳар "Камалак" болалар ташкилотининг "Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!" шиори остидаги анъанавий XV анжуманини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли.

Шу билан бир қаторда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида юқори ютуқларга эришган ёшлардан 350 та мурожаатлар келиб тушган. Ҳисобот даврида ҳудудий Комиссия томонидан ушбу мурожаатлар кўриб чиқилиб, ҳисобга қўйиш учун 201 нафар номзоднинг ҳужжатлари Республика комиссиясига юборилган. Бу йил яна Мирзо Улуғбек, Олмазор, Юнусобод туманларида 3 та кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган.

Кенгаш мажлисида Ҳаракатнинг шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида амалга оширилган ишларнинг ҳисоботи тингланиб, эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар сарҳисоб қилинди. Шу билан бирга жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган режаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Таълим

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР – РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

Бугунги кунда киши кўзини қувнатадиган автомобиллар, юртимиз кўркига кўрк қўшаётган текис йўллар аҳоли хизматида. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти йўлсозлик ва автомобилсозлик соҳаларида ҳам намоён бўлиб, йўллар кенг ва равон ҳолда, кўприклар халқаро талабларга мос тарзда бунёд этилмоқда.

Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан йўлсозлик ва автомобилсозлик соҳаларида янги технологияларни жорий этиш, ёш кадрларни тайёрлаш ва кадрлар малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, Тошкент автомобиль-йўллар институти ҳам ҳар йили Республикамизга йўл-қурилиш соҳаси учун 137 дан ортиқ бакалавр ва 30 дан ортиқ магистр, автотранспорт соҳасига эса 515 дан ортиқ бакалавр ҳамда 50 дан ортиқ магистрлар тайёрлаб бермоқда.

Мустақиллик йилларида Тошкент автомобиль-йўллар институти йўл-қурилиш йўналиши бўйича ЎзР ФА иншоотлар зилзилабардошлиги институти, Метролойиҳа, Бошгранслойиҳа, Йўллойиҳа бюроси институтлари, "Ўзавтойўл" ДАК бўлинмалари, Тошкент ҳокимиятининг шаҳар йўллари ва сунъий иншоотларни эксплуатация қилиш бошқармалари, МДҲ давлатлари ва Республика олий ўқув юртлари турдош кафедралари билан самарали ҳамкорлик ўрнатган.

Институт профессор-ўқитувчилари томонидан "Автомобиль йўллари ва аэродромлар", "Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси", "Кўприклар ва транспорт тоннелари", "Кўприклар, тоннеллар ва метрополитенлар қурилиши" бўйича Давлат стандартлари ва ўқув режалари лойиҳалари тайёрланди.

Мустақиллик йилларида институтда транспорт қурилиши соҳасида 6 та фан доктори ва 20 дан ортиқ фан номзодлари тайёрланди.

Ўқув муассасасида бажарилаётган йўл қурилиши соҳаси бўйича фундаментал ва амалий-илмий грантлар ва хўжалик шартномалари асосида кўприклар, тоннеллар, йўллар ва улардаги сунъий иншоотларнинг янги замонавий конструкцияларини яратиш ва мавжудларини мукаммаллаштириш бўйича кенг миқёсда назарий ва тажрибавий илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаяпти. Институт етакчи олимлари томонидан Тошкент метрополитенининг юриш ва бекат тоннелларининг янги зилзилабардош конструкциялари ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган, 30 дан ортиқ йўллар, кўприклар, тоннеллар, аэродромлар ва йўллардаги бошқа сунъий иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича Республика ва соҳа норматив ҳужжатлари ва йўриқномалари тайёрланган. Институтда фаолият кўрсатаётган олимлар ва мутахассислар томонидан Тошкент шаҳри ва Республикада қурилаётган автомобиль ва темир йўллар, кўприклар ва қувурлар лойиҳаларининг экспертизаси бажарилмоқда. Жумладан, бу ўринда "Тошгузор – Бойсун – Қумқўрғон" темир йўлидаги 5 та металл кўприк, "Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўлидаги кўприк ва тоннеллар, "Самарқанд – Бухоро" темир йўлидаги кўприк ва қувурлар, Тошкент шаҳридаги бир қатор кўприк ва йўл ўтказгичларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Шу боис, мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хусусан, автомобилсозлик соҳасини ривожлантириш ва бу соҳалар учун мутахассис кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

ТАЙИ кафедралар томонидан Давлат фан техник дастури ва хўжалик шартномалари бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари автотранспорт корхоналарида жорий этилмоқда. "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ ва "Автомобиль ва дарё транспорти" агентлиги билан тузилган меморандум асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Институт Малака ошириш маркази томонидан Республикамизнинг йўл қурилиш ва автомобилсозлик соҳаларининг ишлаб чиқариш раҳбарлари ва муҳандис техник ходимлари малакасини ошириш ишлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда.


Сўнгги уч йил давомида институт Малака ошириш марказида Республикамиз бўйича 3939 нафар мутахассислар касбий малака ошириш, 1053 нафари эса Ахборот технологиялари бўйича малака ошириш курсларида ўқиб тегишли сертификатларга эга бўлдилар.

Айни вақтда автомобиль транспорти соҳаси бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашда "Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги", "Автомобиль саноати" АК, "Ўзавтотеххизмат" АЖ, Навоий кон-металлургия комбинати ва бошқа етакчи автотранспорт корхоналари билан меморандумлар ва ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида қизғин ишлар олиб борилмоқда.

Шавкат МИРЗАМЎМИНОВ,
Тошкент автомобиль-йўллар институти маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

Реклама ўрнида







Реклама ўрнида

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларини

халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами – давлатимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги шодиёналари билан чин қалбдан самимий муборакбод этамиз.

Оилангизга бахту саодат, фаровонлик, барча эзгу ишларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Қалбимиздан байрам шукуҳи ҳеч қачон аримасин!

“БЕКТЎПИ” САВДО КОМПЛЕКСИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизни улуғ айём — давлатимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами билан самимий табриклаймиз. Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизга янгидан-янги зафарлар тилаймиз!

“ТОШКЕНТНОН” УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

“ТОШКЕНТМЕБЕЛЬ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ҳамюртларимиз ва соҳа ходимларини

эзгу қадамларида файз-тароватни олиб келаётган қутлуғ айём — Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги шодиёналари билан самимий қутлайди.

Сизларга тинчлик-омонлик, бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ доимо ёр бўлсин!

“AZIA SPORT-S” ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

барчангизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан чин қалбдан самимий муборакбод этамиз.

Эл-юртимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат доимо ёр бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ “KO'CHMAS MULK BILAN ISHLASH DIREKSIYASI” ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни Истиқлолимизнинг 25 йиллиги байрами билан чин кўнгилдан табриклайди. Байрам шукуҳи, янги орзу ниятлар бизларни асло тарк этмасин. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин. Халқимизнинг байрамлари, тўйлари, яхши кунлари кўпаяверсин!

Юртимизда нишонланадиган ҳар бир байрам ўз моҳияти, миллий урф-одатлари билан муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик халқимиз учун эркин, бахтли, фаровон ва ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечиришга имкон берди. Шунинг учун ҳам ушбу байрам энг азиз ва энг қадрлидир. Айниқса байрам арафасида инсонларга ёрдам бериш, меҳр ва мурувват кўрсатиш ночор ва хасталарнинг кўнгилларини шод этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ўзбек халқининг азалий анъаналарига айланган. Зеро, бу кўҳна оламнинг бор гўзаллиги, яхшилиги, эзгулиги, хайру савоби ҳам ана шундадир.



Саховат

КЎНГИЛЛАР ШОД – ДИЛЛАР НУРАФШОН

"Умрзоқ ота" тўйхонасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган 40 нафар жажжи ўғлонларга, Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ, Маънавият тарғибот бўлимлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб берилган суннат тўйи ҳам юқоридаги эзгу мақсадларнинг ифодаси бўлди.

Даставвал болажонлар ясатилган от-араваларда туманнинг диққатга сазовор жойларига сайр қилиб, сўнгра карнай-сурнай наволари остида тўйхонага ташриф буюрди. Кириб келиш жараёнида ҳар бир боланинг қўлига велосипед тутқазилди. Тўкин дастурхон атрофида ўтирган болажонларнинг юзидаги қувонч, лабидаги табассум ва кўзларида акс этган бахтиёрлик учқунлари тўй иштирокчиларининг кўнгил кўзига кўчгандай таассурот қолдирди.

Тадбирда эл севган санъаткорлар, таниқли актёрларнинг қизиқарли чиқишлари, "Сурхон" гуруҳи хонандалари ижросида янграган дилрабо куй ва қўшиқлар тўй файзини янада мазмунли ва мароқли чиқишини таъминлади. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан тайёрланган концерт дастурлари, гўзал рақслар ҳам йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

– Бугун ҳаётимдаги энг бахтли ва қувончли кунларимдан биридир, – дейди "Бешкапа" маҳалласидан ташриф буюрган Зувра Маҳамадалиева. – Ўғлим Зокиржоннинг суннат тўйини шундай файзли ва эсда қоларли тарзда ўтказилиши хаёлимгаям келмаганди. Президентимизга минг раҳмат. Илоҳим мустақиллигимиз абадий бўлсин, юртимизга кўз тегмасин. Туман ҳокимлиги ва барча ҳомий ташкилотларга миннатдорчилик билдираман.

– Инсоният яшар экан ҳамиша яхшиликка, эзгуликка интилади, ўзидан яхши ном қолишини ният қилади, – дейди Мирзо Улуғбек туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилдора Абидова. – Шундай экан, қалбларимиз ҳамиша ва ҳар доим меҳру муҳаббатга ошно бўлсин. Келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин фарзандларимизга Ватанни севишни, унга муносиб ўғлонлар бўлишни, сидқидилдан хизмат қилишни ва ҳаёт қадрига етишни ўргатишимиз шарт.

Тадбир сўнгида ҳомий ташкилотлар томонидан болажонларга турли хил совғалар тарқатилди ва моддий ёрдам кўрсатилди.

* * *

Чилонзор туман ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот бўлимлари ҳамкорлигида тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оиланинг 53 нафар фарзандларига "Оҳу" тўйхонасида ўтказиб берилган суннат тўйлари ҳам жуда файзли ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева, иқтидорли актриса Феруза Солиева ҳам суннат тўйининг янада қизиқарли ўтишига алоҳида ҳисса қўшдилар. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими ва "Баркамол авлод" маркази томонидан тайёрланган концерт дастурлари ҳам болажонларнинг қувончига-қувонч қўшди. "Аладдин" ва "Гулсанам" рақс гуруҳининг чиқишлари бир олам қувонч бағишлади.

– Фарзандим Абдураҳмоннинг суннат тўйи шундай улуғ сана, истиқлолимизнинг 25 йиллиги арафасида нишонланаётганининг ўзи бир катта шодлик, – дейди "2-Қатортол" маҳалласидан ташриф буюрган Муаттар Ғуломова. – Мустақиллик туфайли болаларимизга катта эътибор қаратилмоқда. Мен ота-оналар номидан тўйни файзли қилиб ўтказиб бераётган барча ҳомийларга миннатдорчилик билдираман. Илоҳим жаннатмакон она диёримизнинг ҳар бир куни тўйдай ўтсин. Диёримизда фақат яхши кунлар бўлсин. Болаларимиз келажакда шу юртнинг содиқ ўғлонлари бўлиб вояга етсин.

Тадбир доирасида 53 нафар болажонларнинг ҳар бирига туман ҳокимлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан модий ёрдам, байрам либослари ва турли совғалар тарқатилди.

Ҳа, хайр-саховатли ишлар эзгулик ва яхшиликка хизмат қилади. Аслида, мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини ўзига хос ютуқлар билан кутиб олганимиз ва юзимиз ёруғлигида катта байрам қилиб нишонлаётганимизнинг ўзи саодатли кундир.

Дунёни меҳру муҳаббат безайди, кўнгилларни кўнгилларга боғлайди, инсонларни бирликка, ҳамжиҳатликка чорлайди. Шундай экан бу дунёда бир-биримизга суяниб, хаста қалбларга, ночор кўнгилларга бахтиёрлик улашиб яшаш ҳам фарз, ҳам қарздир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Тадбирлар

ХАЙРЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этилган "Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз!" акцияси якунлари бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъуллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Унда сўз олган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари У.Вафоев хайрли мақсад йўлида ташкил этилган ушбу акциянинг мазмун-моҳияти ва эришилган натижалар ҳақида маълумот бериб ўтди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, акция давомида партия ходимлари, фаоллар, партиядан сайланган депутатлар, "Тарғиботчилар" гуруҳи аъзолари, "Истиқбол" ёшлар ва "Фаол аёллар" қаноти аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари хонадонларга ташриф буюриб, нуроний отахон ва онахонлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олдилар, уларни моддий ва маънавий рағбатлантирган ҳолда байрам совғалари, жумладан, озиқ-овқат пакетлари, уй-рўзғорда ишлатиладиган маиший техника воситаларини топширдилар. Таъмирга муҳтож уйларни таъмирлашда ёки қурилиш материалларини етказиб беришда амалий ёрдам кўрсатдилар.

Акция уч босқичда ўтказилиб, жами 5294 та оилалар қамраб олинди ва хонадон аъзолари Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги билан муборакбод этилиб, барчага хуш кайфият улашилди.

— Акциядан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларни байрам билан муборакбод этишдан иборат эди, — дейди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектори мудири Гулруҳ Тошматова. — Бунда бизга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси ва "Ногиронлар" жамияти, Хотин-қизлар қўмиталари, Қизил Ярим Ой жамияти каби бир қатор нодавлат, нотижорат ташкилотлар яқиндан ёрдам бердилар. Ўйлаймизки, эзгу мақсад йўлида қилинган ҳар бир қадам албатта хайрли бўлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Спорт янгиликлари

ЙИРИК ҲИСОБДА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Ўзбекистон терма жамоасининг футбол бўйича 2018 йилги жаҳон чемпионати учинчи саралаш босқичидаги асосий рақибларидан бири ҳисобланмиш Қатар термаси ўртоқлик учрашувида Таиландни йирик ҳисобда мағлуб этди.

Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларига тайёргарлик кўраётган Қатар расмий ўйинлардан олдинги сўнгги ўртоқлик учрашувида ўз майдонида Таиланд терма жамоасига қарши майдонга тушди. Дохадаги "Ал-Саад" стадионида бўлиб ўтган учрашувда Қатар рақибини йирик – 3:0 ҳисобида мағлуб этди. Терма жамоа сардори Ҳассан ал-Ҳайдос учрашувда дублга эришган бўлса, яна бир голга ўзлаштирилган легионер Родриго Табата муаллифлик қилди.

Маълумки, Таиланд терма жамоаси ҳам Қатар каби саралаш баҳсларида иштирокини давом эттираётган жамоалардан бири ҳисобланади ва мазкур ўйин ҳар иккала терма жамоа учун ҳам 1 сентябрь куни старт оладиган расмий ўйинлардан олдинги сўнгги учрашув бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Қатар терма жамоаси мундиал саралашининг учинчи босқичини 1 сентябрь куни сафарда Эрон терма жамоасига қарши ўйин билан бошлайди. Саралашнинг иккинчи турида эса Дохада Ўзбекистон миллий терма жамоасини қабул қилади.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Хосе Мария Мендез иштирокида бўлажак жаҳон чемпионати олдидан маҳаллий оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида испаниялик мутахассисдан ташқари Ўзбекистон футзал ассоциацияси директори Рустам Толибжонов ҳамда Ўзбекистон терма жамоасининг етакчиси Артур Юнусов ҳам иштирок этиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Анжуман аввалида Рустам Толибжонов жамоанинг Жаҳон чемпионатига қадар амалга ошириладиган ишлар режаси билан таништириб ўтди. Шундан сўнг Хосе Мария Мендез оммавий ахборот воситалари вакилларининг жамоа ва бўлажак турнир ҳақидаги саволларига жавоб берди: "Ўзбекистон терма жамоаси жаҳоннинг кучли термаларига қарши ўйнашга тайёр. Буни Европанинг кучли жамоаларига қарши ўртоқлик ўйинларда намойиш этиб беришди. Биз Европанинг энг кучли жамоаларидан бири бўлган Қозоғистон, Озарбойжон, Беларусь терма жамоаларига қарши учрашув ўтказдик. Албатта, жаҳон биринчилигида осон ўйинлар бўлмайди. Бизнинг гуруҳимиз балки энг қийин гуруҳ эмасдир, лекин энг кучлиларидан бири деб бемалол айтса бўлади. Бироқ биз гуруҳимиздан чиқа олиш учун етарли имкониятга эгамиз. Биз учун бу илк мундиал, янги тажриба, шу ергача етиб келишимизнинг ўзи ҳам катта ютуқ. Аммо биз бу турнирда доимий қатнашадиган жамоага айланмоқчимиз".

Ботир ХЎЖАЕВ

НАВБАТДАГИ РАҚИБ — ИТАЛИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ

Жорий йилнинг 10 сентябридан 1 октябригача Колумбияда футзал бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоаси мундиал олдидан тайёргарликка зўр бермоқда.

Маълумки, жаҳон чемпионатига тайёргарлик доирасида Хосе Мария Мендез бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси Португалия, Эрон ва Испания терма жамоаларига қарши ўртоқлик учрашувларида омадини синаб кўради.

Матбуот нашрлари хабарларига кўра Ўзбекистон терма жамоаси мундиал олдидан сўнгги назорат учрашувини Италия терма жамоасига қарши ўтказади. Ушбу ўйин 7 сентябрь куни Кали шаҳрида бўлиб ўтади.

Эслатиб ўтамиз, жаҳон чемпионатида терма жамоамиз "А" гуруҳида Панама, Португалия ва Колумбия терма жамоаларига қарши ғолиблик учун баҳс олиб боради.

Футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичида иштирок этадиган Сурия миллий терма жамоаси уй учрашувларини Ливанда ўтказиши ҳақида хабарлар берилган эди.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МАКАОГА БОРИШАДИ

Жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичида Ўзбекистон миллий терма жамоаси билан бир гуруҳдан ўрин эгаллаган Сурия терма жамоаси Ўрта Шарқ минтақасидаги вазият туфайли уй ўйинларини Ливанда эмас, балки Макаода ўтказишга қарор қилди. ФИФА ҳамда ОФК мутасаддилари Сурия футболи мутасаддиларининг ушбу мурожаатига ижобий жавоб беришган.

ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАР ХОТИРА ТУРНИРИ ҒОЛИБИ

Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар ўртасида футболга бўлган қизиқишни янада кучайтириш мақсадида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда пойтахтимизда 2004 йилда таваллуд топган футболчилар ўртасида уюштирилган турнир терма жамоамизнинг собиқ устози, пахтакорчи Баҳодир Иброҳимов хотирасига бағишланди.

12 та жамоа иштирок этган хотира турнирининг финалида "Пахтакор" ва "Бунёдкор" тарбияланувчилари бош соврин учун кураш олиб боришди. Якунда турнирга пухта тайёргарлик кўрган Олим Шокиров бош мураббийлигидаги ёш пахтакорчилар 4:0 ҳисобида зафар қучиб бош соврин билан тақдирланишди. Хотира турнирида энг яхши ярим ҳимоячи ҳамда энг яхши футболчи деб топилган ёш пахтакорчилар — Муҳриддин Фазлиддинов ҳамда Муҳаммадали Усмонов ҳам рағбатлантирилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 20 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси тақроран қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Ёзёвон тумани, Янгиобод қишлоғи 2 постда жойлашган автотранспорт коллоннаси ҳудудида сақланаётган, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 04.12.2014 йилдаги № 10-1403/17677-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2013 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 14-40 НТ бўлган "SHANTUI 16" русумли бульдозер (гусеницали). Бошланғич баҳоси – 220 000 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (371)233-61-44

Гувоҳнома 004593

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали танлов савдоси натижалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарорига асосан қуйидаги ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов натижаси.

1. Офис ва ўқув маркази қурилиши учун Олмазор тумани, "Ғалаба" маҳалласи, Қорақамиш-3 кўчаси 3,4 ва 5-уйлар оралиғида жойлашган, умумий майдони 0.06 га бўлган, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи – 2 370 000 сўм, сотилиш нархи – 7 000 000 сўм.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **30 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **30 августда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 16.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ